

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ

№ 4 (101)
2021

ISSN 2181-6514

WWW.ITM.UZ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ ЖУРНАЛ



СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИХАТЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ КОНЦЕПЦИЙ ОБРАЗОВАНИЯ И ЭТИКИ ВОСПИТАНИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАРИХИ
ИСТОРИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ
- ✓ КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ КАСБГА ЙЎЛЛАШ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ
ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
- ✓ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ
- ✓ ОИЛА ВА МАКТАБ
СЕМЬЯ И ШКОЛА
- ✓ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ



“ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ”

журналининг нашр этиш этикаси бўйича муносабати

Инновацион технологиялар маркази “Замонавий таълим” журналининг чоп этилишида нашр этиш этикаси ва ўз лавозим ва мавқеларини суиистеъмол қилиш ҳолатларини бартараф қилиш бўйича сиёсати Нашр этиш этикаси бўйича Қўмитанинг журналлар муҳаррирлари учун илмий нашрлар этикаси тамойиллари бўйича Йўриқномасига асослангандир.

ТАҲРИРИЯТНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

Нашр тўғрисида қарорлар қабул қилиш

“Замонавий таълим” журналининг таҳририяти нашр тўғрисида қарорлар қабул қилишга жавоб беради ва ўз қарорларида муаллифлик ҳуқуқларининг бузилиши ва плагиат (адабий, илмий ва ижодий ишдаги ўғирлик), тухмат қилинишининг олдини олиш борасидаги амалдаги қонунчиликка риоя қилади. Мақолани чоп этиш тўғрисида қарорлар қабул қилишда таҳририят тақризчилар фикрларини инобатга олади.

Қўлёзмаларни нашрга қабул қилишдаги беғаразлик

Таҳририят қўлёзмаларни фақат уларнинг илмий мазмунидан келиб чиқиб баҳолайди. Бунда муаллифнинг миллати, жинси, диний дунёқараши ва фуқаролиги чоп этиш тўғрисидаги қарорга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Махфийлик

Таҳририят нашрга топшириладиган қўлёзмалардан иборат чоп этилмаган материаллардан таҳририят ёки тақризчилар томонидан уларнинг ўз тадқиқотларида фойдаланишларига муаллифларнинг ёзма розилигисиз йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

МУАЛЛИФНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

Материалларни топшириш стандартлари

Мақола бажарилган тадқиқотни бошқалар такрорлай олишлари учун зарурий батафсил маълумотлар ва ҳаволаларни ўз ичига олиши лозим. Ёлгон ёки бетартиб фикрлар мақолада ноахлоқий хулқ-атворни мужассамлаштириши сабабли номақбулдир.

Маълумотларга кириш ва уларнинг сақланувчанлиги

Мақолани таҳририят томонидан кўриб чиқилишида муаллифдан дастлабки маълумотларни тақдим қилиш сўралиши мумкин ва муаллифлар олимлар ва ноширлар касбий ҳамжамияти уюшмасининг маълумотлари ва уларнинг базаси тўғрисидаги Баёнотига мувофиқ, бу маълумотларга очиқ (ошкора) киришни тақдим қилишга тайёр бўлишлари лозим.

Ишнинг асл нусхалиги ва плагиат

Муаллифлар ишни тўла-тўқис мустақил равишда ўзлари ёзганликларини ва агар бошқаларнинг ишлари ва /ёки фикрларидан фойдаланган бўлсалар, буни кафолатлашлари зарур, бу тегишли ҳавола ва цитаталарда акс эттирилиши лозим.

Мақолаларни бир вақтда топшириш ва иккиламчи нашр

Мазмунан кўп фарқ қилмайдиган қўлёзмаларни турли журналларга топшириш ахлоқий бўлмаган хулқ-атвор ҳисобланади ва номақбулдир.

Аввал чоп этилган мақолани бошқа журналга кўриб чиқиш учун топширганда, муаллиф бу ҳақда таҳририятни хабардор қилиши ва мақола биринчи марта чоп этилган журнал таҳририятининг розилигини олиши лозим. Бирламчи ишга ҳавола иккиламчи нашрда туриши керак.

Ҳаволалар

Муаллифлар натижалари уларнинг қўлёзмалари натижалари билан узвий боғлиқ бўлган ишга ҳаволалар келтиришлари зарур.

Муаллифлик ҳуқуқлари

Тақдим қилинган тадқиқот ғояси, ишланмасига, амалга оширилишига ёки шарҳланишига катта ҳисса қўшган шахсина мақола муаллифи бўлиши мумкин. Муҳим ҳисса қўшганларнинг барчаси мақола ҳаммуаллифлари сифатида кўрсатилишлари керак. Агар тадқиқот лойиҳасининг муайян жиҳатларида муҳим тарзда қатнашган қолган шахслар ҳам мавжуд бўлсалар, уларга миннатдорчилик билдирилиши керак ёки улар лойиҳа иштирокчиси сифатида кўрсатилишлари зарур.

Нашр қилинган ишлардаги фундаментал хатоликлар

Агар муаллиф нашр қилинган ишдаги муҳим хатоликлар ёки ноаниқликларни ўзи аниқласа ёки учинчи шахслардан билса, у иложи борича тезроқ бу ҳақда таҳририятни хабардор қилиши ва у билан ҳамкорликда мақолани қайтариб олиши ёки таҳрир қилиши зарур.

Журнал Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти наشري.

Журнал Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда нашр этилмоқда.

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№ 4 (101), 2021

3	УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ / НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ Қодиров У.Д., Қаршиев Ж.М. Таълим жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари
9	МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ / ПОВЫШЕНИЕ КВАЛИФИКАЦИИ И ПЕРЕПОДГОТОВКА Кенжабоев А.Э., Кенжабоев Д.А. Педагогик деонтология ва ўқитувчининг касбий компетентлиги
16	ОЛИЙ ТАЪЛИМ / ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ Рахимов О.Д., Манзаров Ю.Х., Ашурова Л. Ўзбекистон олий таълим тизимида дастлабки форсайт тадқиқотлар
23	ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ / ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ Исмаилов М.К. Бўлажак ўқитувчиларда саноген тафаккурни ривожлантиришнинг психологик аспектлари
32	Шарипова Ф.И. К вопросу о психологической мотивации будущих медиков на занятиях английского языка
37	ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ / ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ Турсунметов К.А., Холбоев Ю.Х., Турғунбоев Ф.Ю. Физиканинг “Электр ва магнетизм” бўлимини Венн диаграммалари методи асосида ўргатиш методикаси
43	Явкочдиева Д.Э. Инновацион ёндашув таълим тизимини модернизациялаш омили сифатида
51	МАКТАБ ТАЪЛИМИ / ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ Sarayeva B.Sh “Temurbeklar maktab”larida ingliz tili mashg’ulotlarida o’quvchilarning ijtimoiy kompetentsiyasini shakllantirish
58	Shodiyeva M.J. Boshlang’ich sinf o’qituvchilarini kasbiy rivojlantirishning ilmiy-pedagogik jihatlari
65	МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ / ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ Комилова Д.А. Мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришга оид назариялар
71	ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ / ИНКЛЮЗИВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ Холиқов А.Қ. Кўришида нуқсонли бўлган битирувчи ёшларни ҳаётга йўналтиришда таълим муассасаларининг устувор вазибалари
77	ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ / МЕНЕДЖМЕНТ В ОБРАЗОВАНИИ Пулатова Н.Р. Умумтаълим мактаб директорларини инновацион бошқарув компетентлигини методик моделини такомиллаштириш
83	Сатторов Э.Н. Кадрлар захираси шаклланиши масаласи назарий асосланганлиги кадрлар билан ишлашни тўғри ташкил этишнинг муҳим шarti сифатида
90	МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ

«Замонавий таълим» («Современное образование») журнали:

• Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/2-сон қарори билан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида киритилган (13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ва 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича);

• **РИНЦ** маълумотлар базасига киритилган. – https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617

• **CyberLeninka** илмий электрон кутубхона базасига киритилган. – <https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

Журнал «Замонавий таълим» («Современное образование»):

• постановлением Президиума ВАК Республики Узбекистан от 20 марта 2015 года № 214/2 включён в перечень научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов докторских диссертаций (по 13.00.00 – ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ и 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ);

• входит в базу данных **РИНЦ**. – https://elibrary.ru/title_about.asp?id=57617

• входит в базу научной электронной библиотеки **CyberLeninka**. – <https://cyberleninka.ru/journal/n/ekonomika-i-finansy-uzbekistan>

Замонавий таълим

Современное образование

№ 4 (101), 2021.

Муассис: «Инновацион технологиялар маркази»

Тахририят
Кенгашининг
раиси
Тахририят
Кенгашининг
Халқаро аъзолари:

Шоумаров Ғайрат Баҳромович –
психология фанлари доктори,
профессор
Коробейников Игорь Александрович –
психология фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)
Лубовский Дмитрий Владимирович –
психология фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)
Попова Елена Фёдоровна – «Вестник
современной науки» журналы Бош
муҳаррири (Россия Федерацияси)
Марк Зильберман – «Intellectual Archive»
журналы Бош муҳаррири (Канада, Торонто)

Тахририят Кенгаши
аъзолари

Данияров Бахтиёр Худойбердиевич –
филология фанлари доктори
Иноятлов Улугбек Ильясович –
педагогика фанлари доктори, профессор
Ирискулов Муҳаммадаваз Турсунович –
филология фанлари номзоди, доцент
Исломов Зоҳиджон Маҳмудович –
филология фанлари доктори, профессор
Каримов Бахтиёр Раҳмонович –
фалсафа фанлари доктори, профессор
Мусурмонова Ойниса Мусурмоновна –
педагогика фанлари доктори, профессор
Пахрутдинов Шукритдин Ильясович –
сиёсий фанлар доктори, профессор
Самаров Рустамжон Садриддинович –
фалсафа фанлари доктори, профессор
Сафаев Нуриддин Салихович –
психология фанлари доктори, профессор
Раҳимов Ғанишер Худойкулович –
филология фанлари доктори, доцент
Чориев Рузимурад Кунградович –
педагогика фанлари доктори, доцент
Қурбонов Шавкат Эргашевич –
педагогика фанлари доктори, профессор

Бош муҳаррир

Абидов Баходир Казимович –
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Тахририят аъзолари:

Қодиров Умарали Дўстқобилович –
психология фанлари доктори, доцент
Джуманова Дилара Масхутовна

Бош муҳаррир
Ўринбосари
Муаллифлар билан
ишлаш бўйича
муҳаррир

Нашр учун масъул

Абидов Баходир Казимович –
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Маъмур

Ҳайдаров Мирёқуб Таджиевич –
иқтисод фанлари номзоди, доцент

Оригинал-макет, матбаа дизайн,
саҳифалаш ишлари ва чоп этишга тайёрлаш
«Catrin Group» ХКда бажарилди.

Тахририят манзили:

100174, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Университет кўчаси, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети, Иқтисодий факультети биноси, 2-қават, 207- кабинет.
Тел: (99895) 198-80-87; e-mail: zamonaviyatalim@itm.uz

Журнал Тошкент вилояти матбуот ва ахборот бошқармасида
2012 йил 28 августда 03-032 рақами билан
рўйхатга олинган

**Журналнинг «Matbuot tarqatuvchi»
АК буна каталогидagi индекси - 7045**

Формат 60x84 1/8. 11,5 босма тобоқ. Чоп этишга 28.05.2021 йилда рухсат
этилди. Офсет усулида босилди. 132-сонли буюртма. Адади 120 нуска.
«Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.
Ўзбекистон, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳқўчаси, 44.
Журнал ойда бир марта чиқади.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Замонавий таълим» журналдан кўчириб босиш фақат
тахририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади. Тахририят
фидри муаллифлар фикрига мос келмаслиги мумкин.

№ 4 (101), 2021.

Учредитель: «Центр инновационных технологий»

Председатель
Редакционного
Совета

Международные
Члены Редакционного
совета:

Шоумаров Ғайрат Баҳромович –
доктор психологических наук,
профессор

Коробейников Игорь Александрович –
доктор психологических наук, профессор
(Российская Федерация)

Лубовский Дмитрий Владимирович –
доктор психологических наук, профессор
(Российская Федерация)

Попова Елена Фёдоровна – Главный
редактор журнала «Вестник современной
науки» (Российская Федерация)

Марк Зильберман – Главный редактор
журнала «Intellectual Archive» (Канада,
Торонто)

Редакционный Совет:

Данияров Бахтиёр Худойбердиевич –
доктор филологических наук

Иноятлов Улугбек Ильясович –
доктор педагогических наук, профессор

Ирискулов Муҳаммадаваз Турсунович –
кандидат филологических наук, доцент

Исломов Зоҳиджон Маҳмудович –
доктор филологических наук, профессор

Каримов Бахтиёр Раҳмонович –
доктор философских наук, профессор

Мусурмонова Ойниса Мусурмоновна –
доктор педагогических наук, профессор

Пахрутдинов Шукритдин Ильясович –
доктор политических наук, профессор

Самаров Рустамжон Садриддинович –
доктор философских наук, профессор

Сафаев Нуриддин Салихович –
доктор психологических наук, профессор

Рахимов Ғанишер Худойкулович,
доктор филологических наук, доцент

Чориев Рузимурад Кунградович –
доктор педагогических наук, доцент

Қурбонов Шавкат Эргашевич –
доктор педагогических наук, профессор

Главный редактор

Абидов Баходир Казимович –
кандидат экономических наук, доцент

Редакционная коллегия

Заместитель главного
редактора

Кадыров Умарали Дустқобилович –
доктор психологических наук, доцент

Редактор по работе
с авторами

Джуманова Дилара Масхутовна

Ответственный
за выпуск

Абидов Баходир Казимович –
кандидат экономических наук, доцент

Администратор

Ҳайдаров Мирёқуб Таджиевич –
кандидат экономических наук, доцент

Оригинал-макет, полиграфический дизайн,
компьютерная верстка и подготовка к печати
выполнены в ЧП «Catrin Group».

Адрес редакции:

100174, Республика Узбекистан, г. Ташкент, Алмазарский район, улица
Университетская, Национальный университет Узбекистана имени
Мирзо Улугбека, здание факультета экономики, 2-й этаж, 207-кабинет.
Тел: (99895) 198-80-87; e-mail: zamonaviyatalim@itm.uz

Журнал зарегистрирован в Управлении по печати и информации
Ташкентской области 28 августа 2012 года.
Регистрационное свидетельство № 03-032.

**Подписной индекс журнала в каталоге
АК «Matbuot tarqatuvchi» - 7045**

Формат 60x84 1/8. 11,5 п.л. Подписано в печать 28.05.2021 г.
Печать офсетная. Заказ № 132. Тираж 120 экз.
Отпечатано в типографии ЧП «Print Line Group»
г. Ташкент, проспект Бунёдкор, 44.
Журнал выходит один раз в месяц.

Цена договорная.

Перепечатка материалов журнала «Современное образова-
ние» допускается только с письменного разрешения редакци-
и. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей.

Рахимов Октябрь Дусткабирович,

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
“Экология ва меҳнат муҳофазаси” кафедраси
профессори, Ўзбекистон Республикаси Турон
Фанлар Академияси академиги, Россия Табиий
Фанлар Академияси профессори

Манзаров Юсуф Хуррамович,

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти

Ашурова Лайло,

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
“Экология ва меҳнат муҳофазаси” кафедраси
стажёр ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАСТЛАБКИ ФОРСАЙТ ТАДҚИҚОТЛАР

УДК: 37.014

РАХИМОВ О.Д., МАНЗАРОВ Ю.Х., АШУРОВА Л. ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДАСТЛАБКИ ФОРСАЙТ ТАДҚИҚОТЛАР

Мақолада Форсайт методлари ёрдамида Ўзбекистон олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этишни башоратлашга оид илк тадқиқотлар натижалари келтирилган. Форсайтнинг мазмуни, тарихи ёритилган ва унинг методлари таҳлил қилинган. Ақлий ҳужум, сценарий ҳамда экспертлар панели методлари ёрдамида ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича хулосалар баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: олий таълим, қамров, форсайт, метод, масофавий таълим, башоратлаш.

РАХИМОВ О.Д., МАНЗАРОВ Ю.Х., АШУРОВА Л. НАЧАЛЬНЫЕ ФОРСАЙТ ИССЛЕДОВАНИЯ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА

В статье приведены результаты первичных форсайт-исследований по прогнозированию организации дистанционного образования в системе высшего образования Узбекистана. Освещено содержание и история форсайта, проанализированы его методы. Представлено заключение по результатам исследований, проведенных методами мозгового штурма, сценариев развития и экспертных панелей.

Ключевые слова и понятия: высшее образование, охват, форсайт, метод, дистанционное образование, прогнозирование

RAKHIMOV O.D., MANZAROV YU.KH., ASHUROVA L. PRIMARY FORESIGHT RESEARCH IN THE SYSTEM OF HIGHER EDUCATION IN UZBEKISTAN

In the article is presented results of primary foresight research of distance education forecasting the organization in the higher education system of Uzbekistan. The content and history of foresight is highlighted, its methods are analyzed. On the results of research conducted by brainstorming methods, development scenarios and expert panels conclusion is presented.

Key words and concepts: higher education, coverage, foresight, method, distance education, forecasting.

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида¹ ва Ўзбекистон олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида² олий таълим соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор масалалардан бири сифатида битирувчиларни олий таълим билан қамров даражасини ривожланган давлатлар даражасигача кўтариш вазифаси белгиланган. Олий таълим қамрови ва таълим сифатини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқиш катта миқдорда бюджет харажатларини талаб этади. Шу сабабли, олий таълимни инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, олий таълим қамрови даражасини ошириш йўлларини замонавий инновацион технологиялар, яъни Форсайт технологиялар асосида тадқиқ этиш муҳим вазифадир.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

"Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси"да таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш ва онлайн технологияларини амалиётга кенг жорий этиш ҳамда олий таълим муассасаларида Форсайт марказлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Форсайт (foresight) – нисбатан янги атама ҳисобланади. Ушбу технология асосида Ўзбекистон иқтисодий тармоқлари, жумладан таълим соҳасида узоқ муддатли стратегик режалар, концепциялар ва истиқболли йўл хариталари ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилмаган. Форсайт технология билан шуғулланувчи ҳар бир давлат, ташкилот ёки экспертлар гуруҳи ўзларининг таърифларини тавсия этишган ва уларда форсайтнинг у ёки бу томони ёритилган холос³. Форсайт асосида ривожланишнинг узоқ муддатли ривожланиш дастури ёки концепцияси қисқа муддатли аниқ далилларга асосланган маълумотлар асосида яратилади, яъни кела-

жак стратегия аниқ, юқори даражадаги далиллар асосида режалаштирилади⁴.

Форсайт мақсади юқори даражада фойда келтиришга йўналтирилган стратегик тадқиқотлар ва инновацион технологияларни идентификациялаш, яъни юқори фойдали келажакни аниқлаш ҳамда унга эришиш стратегиясини яратишдан иборат⁵. Айнан Ўзбекистон олий таълим тизимида рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш, ҳозирги кундаги олий таълимда мавжуд кундузги, кечки ва сиртки ўқиш шакллари билан тенг мақомда фаолият юритадиган масофавий таълимни келажакда ташкил этишни башоратлашни форсайт услублари асосида тадқиқ этиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Муаммонинг қўйилиши.

Тадқиқотда ечими кутилаётган асосий муаммо - Ўзбекистонда олий таълим қамровини ривожланган давлатлар даражасига етказишда масофавий таълимнинг ўрнини асослаш ва олий таълимда масофавий таълимни қачон тўғри ташкил этилишини Форсайт тадқиқотлар асосида башоратлашдан иборат.

Муаллифлар томонидан ўтказилган дастлабки таҳлилий тадқиқотлар натижаларига кўра олий таълим қамровини ривожланган давлатлар даражасига олиб чиқишни 3 хил йўл билан таъминлаш мумкин⁶:

1. Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларига қабул квоталарини ошириш ва ОТМга босқичма-босқич қабул квоталарини мустақил белгилаш ҳуқуқини бериш, академик ва молиявий мустақилликни таъминлаш.

2. Янги олий таълим муассасалари ва хорижий ОТМларнинг филиалларини ҳамда республикамиздаги етакчи ОТМларнинг вилоятларда филиалларини ташкил этиш.

3. Олий таълимга масофавий таълим (МТ)ни жорий этиш, "Очиқ университетлар" ташкил этиш.

⁴ Соколов А.В. Долгосрочное прогнозирование тенденций развития образования методами Форсайт. // Вопросы образования. 2004. №3. С. 66-79.

⁵ Georghiou L., Cassingena Harper J., Keenan M., Miles I., Popper R. (eds.) (2008) The Handbook of Technology Foresight Concepts and Practice, Cheltenham: Edward Elgar.

⁶ Hines A., Gary J., Daheim C., van der Laan L. (2017) Building Foresight Capacity: Toward a Foresight Competency Model. World Futures Review, vol. 9, no 3. P. 123-141.

⁶ Rakhimov O.D., Berdiyev Sh.J., Rakhmatov M.I., Nikboev A.T. Foresight In The Higher Education Sector of Uzbekistan: Problems and Ways of Development. // Psychology and Education Journal. 2021. 58 (3), 957-968. DOI: 10.17762/pae.v58i3.3029

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2021 й. // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги ПФ-5847-сон Фармони. // URL: <https://lex.uz/docs/4545884>

³ Соколов А.В. Форсайт: взгляд в будущее. // Форсайт. 2007. №1. С. 8-9.

Юқорида келтирилган биринчи ва иккинчи йўллар бўйича Ўзбекистон олий таълим тизимида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, 1991-2017 йилларда Ўзбекистонда ОТМлар сони 2 баробарга кўпайди. Кейинги уч йилда 37 та ОТМ, шу жумладан 6 та янгидан институтлар, 17 та етакчи ОТМларнинг ва 14 та хорижий ОТМларнинг филиаллари ташкил этилди. Лекин, ушбу йўллар асосида олий таълим қамровини ошириш имкониятлари чекланган, чунки қабул квоталарини ОТМ имкониятини ҳисобга олмасдан ошириш таълим сифатини таъминлашда муаммоларга олиб келади, янги ОТМлар ва етакчи институтларнинг филиалларини ташкил этиш эса жуда катта молиявий харажатларни талаб этади. Хорижий ОТМларининг филиалларини ташкил этиш ва уларда ўқишда эса ёшларимизнинг, айниқса қишлоқ ёшларининг чет тилларини етарли билмасликлари тўсиқ бўлади.

Шу сабабли, олий таълимга қамров даражасини оширишнинг энг самарали ва истиқболли йўлларида бири, бу Ўзбекистон олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш ҳисобланади. Лекин, масофавий таълимни тўғридан-тўғри ҳозирги кунда ташкил этиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатига¹ катта салбий таъсир этиши мумкин. Чунки, масофавий таълим тўлақонли фаолият юритиши ва унда таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатининг таъминланиши кўпгина омилларга, жумладан ОТМларнинг моддий-техник базаси, Интернет тезлиги, аҳолининг ҳуқуқий тайёргарлиги, фуқароларнинг таълим олишдаги мақсадлари ва компьютер техникалари билан таъминланганлиги, ҳуқуқий ва компьютер саводхонлиги каби бир қанча омилларга боғлиқдир. Асосий омиллардан яна бири ОТМларда масофавий таълимнинг дидактик таъминоти ҳолати, яъни электрон ресурслар базасининг яратилганлигидир². Шу сабабли Ўзбекистон олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш инновацион халқаро стандартларга мос келувчи технологиялар асосида машғулотлар ўтиш

¹ Raximov O.D. Quality of education-quality of life. Karshi branch of Tashkent University of Information Technologies, 2015. 46 p.

² Рахимов О.Д. Электрон таълим ресурсларини яратиш талаблари ва технологияси. //Современное образование (Ўзбекистан). 2016. №2 С. 45-50.

Рахимов О.Д., Шодиева М. Уқитувчилар малака ошириш тизимида таълим сифатини таъминлашда ўқув-услубий мажмуаларнинг ўрни. // "Замонавий таълим" ("Современное образование") илмий-амалий оммабоп журнали (Ўзбекистан). 2017 йил, № 1. С. 24-28.

технологиясининг ишлаб чиқилганлиги³, онлайн маърузаларда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш тажрибаларининг шаклланишга ҳам боғлиқдир⁴. Булар барчаси алоҳида илмий тадқиқотлар ўтказилиб, натижаларини амалга оширилишини тақозо этади. Ана шундай технологиялардан бири **Форсайт** ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади.

Ўзбекистонда масофавий таълимни қачон ташкил этилишини ижтимоий ва иқтисодий омиллар, ахборот хавфсизлиги, олий таълим муассасалари ҳамда аҳолининг масофавий таълимга қанчалик тайёрлик даражасини Форсайт тадқиқотлар асосида ўрганиб башоратлаш. Ушбу тадқиқот мақола муаллифлари томонидан бажарилаётган Жаҳон банкининг Академик Инновациялар Фонди "Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш" мавзусидаги грант лойиҳа доирасида амалга оширилмоқда.

Тадқиқот методлари.

Форсайт лойиҳалар бу тўғридан-тўғри истиқболни башоратлаш эмас. Форсайт лойиҳаларни амалга оширишда бир қанча услублардан фойдаланилади. Масалан, Японияда асосан Дельфи услубидан, Германия ва Буюк Британияда бир қанча услубларнинг комбинациясидан фойдаланилса, АҚШ ҳамда Францияда критик технологияларни аниқлаш бўйича тажрибалар мавжуд. Ҳозирги кунда Форсайт тадқиқотларнинг 30 дан ортиқ методлари мавжуд ва уларни қуйидаги 3 та гуруҳга ажратиш мумкин⁵: сифатни баҳолаш методлари; соний баҳолаш методлари; аралаш услублар. Мазкур дастлабки тадқиқотда ақлий ҳужум, сценарий яратиш ва эксперт панели методларидан фойдаланилди.

Форсайт тадқиқотлар таҳлили.

1990 йиллардан бошлаб узоқ муддатли истиқболни белгилашда форсайт технологиялардан АҚШ, Европа, Осиё, Лотин Америкасидаги иқтисодий ривожланган бир қанча давлатлар

³ Rakhimov O.D. Necessity of live modern lectures in higher education and its types. //«Проблемы науки». 2020. №10(58). С.60-64.

⁴ DOI: 10.24411/2413-2101-2020-11002


⁵ O.D Rakhimov, YUK Manzarov, AE Karshiyev. Klassifikatsiya pedagogicheskikh tekhnologiy i tekhnologiya problemnogo obucheniya. //Problemy sovremennoy nauki i obrazovaniya, 2020.№2(147). С.59-62. DOI c 10.24411/2304-2338-2020-10201.

1-жадвал. Ўзбекистон олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этишга таъсир этувчи омиллар таснифи¹

№	Омиллар номи	Ижобий таъсир	Мавжуд муаммолар ва салбий таъсири
1.	Ижтимоий	Таълим жараёни вақт ва жой, манзилга боғлиқ бўлмайди. Олий таълим билан қамраш даражаси ортади. Ўқув материалларини таълим олувчига етказиш самарадорлиги ва сифати ошади. Ижтимоий тенг ҳуқуқлик-таълим олувчининг яшаш жойи, соғлиги ва моддий таъминоти даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли таълим олиш имконияти яратилади. Ногиронлар ва Ўзбекистон халқининг менталитетига мос равишда оилали ҳамда ёш болали аёллар учун кенг имконият яратилади. Таълим соҳасида эришилган халқаро стандартларга жавоб берувчи ютуқларни, инновацион технологиялари импорт ва экспорт қилиш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар профессорларини ўқув жараёнига жалб этиш имкониятлари кенгаёди. Таълим олувчи ўзининг имкониятига қараб бир вақтда бир неча олий таълим муассасасида таҳсил олиш имконияти мавжуд бўлади. Олий маълумотли кадрлар сонининг ошиши натижасида Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти кўтарилади.	Тарбиявий ишларга аҳамият камаёди. Аҳолининг компьютер саводхонлик даражаси ва олий таълим олиш-дати мақсадлари талаб даражасида эмас. Бошқа шахслар томонидан онлайн топшириқларни моддий манфаат эвазига бажариш имконияти юзага келади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда масофавий таълимнинг кундузги, кечки, сиртқи ўқув шакллари билан тенг асосда дипломларини тан олинини шини таъминловчи аниқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилмаган.
2.	Иқтисодий	Иқтисодий тежамкорликка эришилади, таълим харажатлари 8-10 фоизга арзонлашади. Аҳоли учун шартнома тўлови 4-5 баробар арзонлашади. ОТМларида компьютер парклари етарли. ОТМда ўқийдиган талабалар сони иқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ бўлмайди. Молиявий харажатлар тез қопланади.	Аҳолининг компьютер билан таъминланганлиги етарли эмас. Интернет тезлиги паст.
3.	Ахборот хавфсизлиги ва дидактик таъминот	Ўқув материалларини тайёрлаш ва узатиш сифати ортади. Хорижий олимларни онлайн шаклда ўқув жараёнига жалб этиш имконияти яратилади. Электрон ресурслар етарли. Модулли ўқитишни таъбиқ этиш мумкин. "Зиёнет" портали ташкил этилган.	Ахборот хавфсизлини таъминлаш имкониятлари кам. Хакерлик ҳужумлари бўлиш эҳтимоли мавжуд. Ўқув материалларининг Интернетда жуда кўпчилиги талабаларни ўқув дастуридан четга чиқишга олиб келиши мумкин.

¹ Мақола муаллифлари томонидан тузилган.

1-расм. Ўзбекистон олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш сценарийи ва муаммолар-ечимлар схемаси¹.



кенг фойдалана бошлашди. Форсайт лойиҳалар натижалари асосида кенг масштаби Халқаро тадқиқот дастурлари ишлаб чиқилди, жумладан Европа Иттифоқининг Олтинчи ва Еттинчи илмий тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш дастурининг бюджет харажатлари 17,5 ва 54 млрд. еврони ташкил этган. Швециянинг охириги форсайт лойиҳаси 3,6 млн евро, Туркияда эса 2 млн еврога яқин маблағ сарфланган. Ҳозирги кунда форсайт лойиҳалар ривожланган давлатларнинг барчасида келажак стратегиясини яратишда асосий технология сифатида қўлланилмоқда. Форсайт тизимини яратиш ва илмий-техник йўналишларни башоратлашга Манчестер Университети (Буюк Британия)ни мисол келтириш мумкин. Форсайт тадқиқотлари натижаларига асосланган яна бир университет Singularity University бўлиб, у Америка аэрокосмик тадқиқотлар агентлиги (NASA) томонидан Coogole, E-planet Ventures, Autodesk, Cisco, Kauffman Foundation и Nokia каби трансмиллий

¹ Мақола муаллифлари томонидан тузилган.

корпорациялар ҳамкорлигида ташкил этилган. Россиянинг олий таълим муассасалари мамлакат илмий-технологик ривожланишидаги асосий йўналишларни аниқлаш ва башоратлаш тизимида муҳим ўрин эгаллай бошлади. 2011 йилда 6 та нуфузли ОТМлари биргаликда илмий-технологик ривожланишни башоратлаш минтақавий тармоқ тузилди. Ушбу тармоқларнинг фаолияти таълим, илмий-тадқиқот, давлат ва тадбиркорлар ҳамжамиятидаги экспертлар доимий алоқасини ўрнатиш ва уни қўллаб қувватлашдан иборат².

Тадқиқот натижалари ва муҳокамалар.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичида Форсайтнинг ақлий ҳужум, сценарий ва эксперт сўрови методларидан фойдаланилди ва уч босқичда амалга оширилди.

² Методы Форсайта. URL: https://studme.org/1114111726286/menedzhment/metody_forsayta

³ Жадвал муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари асосида тузилган.

2-жадвал. Маҳаллий эксперт сўровлари натижалари¹

№	Омиллар номи	Ижобий жавоблар (экспертлар умумий сонига нисбатан), %
1	Ўзбекистонда олий таълим тизимининг ҳозирги босқич ислоҳоти шароитида масофавий таълимни ташкил этиш мумкинми?	70
2	Масофавий таълим ташкил этилса олий таълим билан қамров даражаси қанча ошиши мумкин?	85
3	Ўзбекистон аҳолисида масофавий таълимга эҳтиёж борми ва қандай ёндашишади?	75
4	Аҳолининг компьютер билан таъминланганлик даражаси масофавий таълим учун етарлими?	40
5	Аҳолининг ҳуқуқий ва компьютер саводхонлик даражаси масофавий таълим учун етарлими?	40
6	Ўзбекистонда Интернет тезлиги масофавий таълим учун талабга жавоб берадими?	50
7	ОТМларда электрон ресурслар етарлими?	85
8	Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси талабга жавоб берадими?	80
9	ОТМларида масофавий таълим платформаси яратилганми?	75
10	ОТМда ахборот-коммуникация соҳаси бўйича кадрлар етарлими?	70
11	Масофавий таълим кадрлар тайёрлаш сифатига қандай таъсир кўрсатади?	50
12	Сиз Ўзбекистон ОТМда масофавий таълим асосида ўқишни хоҳлайсизми ёки фарзандларингизни ўқитишни?	75
13	Сиз масофавий таълим моделлари ва технологиялари билан танишмисиз?	70
14	Ўзбекистонда масофавий таълим учун алоҳида қонун ҳужжати керакми?	80

Биринчи босқичда талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда ишлаб чиқариш мутахассисларидан иборат гуруҳ ўртасида Ўзбекистон олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этишга боғлиқ бўлган омиллар таснифи “ақлий ҳужум” методи ёрдамида шакллантирилди. Бу услубда асосий эътибор сифатга эмас, сонга қаратилди, яъни қанча кўп омил тўпланиши мақсад қилиб қўйилди. Фикр ва ғоя билдиришдаги эркинлик ҳамда натижаларнинг баҳоланмаслиги гуруҳ иштирокчиларида турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келди. Натижада 30 дан ортиқ омиллар таснифи яратилди. Ушбу омиллар таҳлил этилиб, ижтимоий, иқтисодий ва ахборот хавфсизлиги ва масофавий таълимнинг дидактик таъминоти каби гуруҳларга ажратилди (1-жадвал).

Иккинчи босқичда сценарий методидан фойдаланилди.

Сценарий методида қўйилган муаммо: Ўзбекистонда олий таълим соҳасидаги ислохотларнинг ҳозирги босқичида масофавий таълим ташкил этиш мумкинми?

1. Масофавий таълим ташкил этилмайди, масофавий ўқитиш ривожланиши мумкин.

2. Масофавий таълим қисман ташкил этилади.

3. Масофавий таълим барча ОТМ да ташкил этилади.

Тадқиқотда келажакда бўлиши мумкин бўлган ҳолатларнинг қуйидаги 3 хил альтернатив кўриниши ишлаб чиқилди (1-расм). Бу фантазия

(хаёл) маҳсули бўлмасдан, келажакнинг мантиқий модели ҳисобланади.

Учинчи босқичда экспертлар панели методи асосида ахборот-коммуникация соҳасидаги мутахассислар, жамоатчилик вакиллари, профессор-ўқитувчилар ва талабалардан иборат 50 кишидан иборат экспертлар гуруҳи шакллантирилди. Анкета саволнома тузилиб, экспертларга тарқатилди, жавоблар аноним тарзда олинди (2-жадвал).

Эксперт сўровлари натижалари таҳлили кўрсатишича Ўзбекистонда олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этишга таянч ОТМларининг тайёргарлик даражаси 80 фоизни ташкил этади, яъни компьютер базалари, электрон ресурслар таъминоти, ахборот-коммуникация соҳаси бўйича мутахассислар штатлари етарли эканлигини кўрсатди. Лекин, Covid-19 пандемияси даврида барча ОТМларида ташкил этилган масофавий ўқитиш амалиёти кўпгина талабаларнинг компьютерларга нисбатан ўз мобиль телефонларидан (смартфонлардан) фойдаланганликларини кўрсатди. Бу MOODLE электрон платформасидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини бермайди. Лекин, аҳолининг масофавий таълимга тайёргарлик даражасини талаблар даражасида деб бўлмайди. Аҳолининг айрим қатламларини олий таълим олишдан мақсади ўқиб яхши мутахассис бўлишми ёки олий маълумот тўғрисида дипломга эга бўлишми? - деган саволга муносабатлари салбий ҳолатда эканлигини кўрсатди.

Хулосалар.

1. Ўзбекистонда олий таълим ислохотларининг ҳозирги босқичида масофавий таълимни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаш мумкин.

2. Келажакда олий таълим тизимига рақамли технологияларни¹, жумладан масофавий таълимни

зорий этишни башоратлаш бўйича кенг қамровли Форсайт тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай тадқиқотда рақамли технологияларнинг нафақат ижобий томонлари, балки унинг салбий томонларини, жумладан ёшларнинг руҳий ҳолатига ҳамда соғлиғига таъсирини ҳам атрофлича ўрганиш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2021 й. // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги ПФ-5847-сон Фармони. // URL: <https://lex.uz/docs/4545884>
3. Соколов А.В. Форсайт: взгляд в будущее. // Форсайт. 2007. №1. С. 8-9.
4. Соколов А.В. Долгосрочное прогнозирование тенденций развития образования методами Форсайт. // Вопросы образования. 2004. №3. С. 66-79.
5. Georghiou L., Cassingena Harper J., Keenan M., Miles I., Popper R. (eds.) (2008) The Handbook of Technology Foresight Concepts and Practice, Cheltenham: Edward Elgar.
6. Hines A., Gary J., Daheim C., van der Laan L. (2017) Building Foresight Capacity: Toward a Foresight Competency Model. World Futures Review, vol. 9, no 3. P. 123-141.
7. Rakhimov O.D., Berdiyev Sh.J., Rakhmatov M.I., Nikboev A.T. Foresight In The Higher Education Sector of Uzbekistan: Problems and Ways of Development. // Psychology and Education Journal. 2021. 58 (3), 957-968. DOI: 10.17762/pae.v58i3.3029
8. Raximov O.D. Quality of education-quality of life. Karshi branch of Tashkent University of Information Technologies, 2015. 46 p.
9. Рахимов О.Д. Электрон таълим ресурсларини яратиш талаблари ва технологияси. // Современное образование (Узбекистан). 2016. №2 С. 45-50.
10. Рахимов О.Д., Шодиева М. Ўқитувчилар малака ошириш тизимида таълим сифатини таъминлашда ўқув-услугий мажмуаларнинг ўрни. // "Замонавий таълим" ("Современное образование") илмий-амалий оммабоп журнали (Узбекистан). 2017 йил, № 1. С. 24-28.
11. Rakhimov O.D. Necessity of live modern lectures in higher education and its types. // «Проблемы науки». 2020. №10(58). С.60-64.
12. DOI: 10.24411/2413-2101-2020-11002
13. O.D Rakhimov, YUK Manzarov, AE Karshiyev. Klassifikatsiya pedagogicheskikh tekhnologiy i tekhnologiya problemnogo obucheniya. // Problemy sovremennoy nauki i obrazovaniya, 2020. №2(147). С.59-62. DOI c.10.24411/2304-2338-2020-10201.
14. Методы Форсайта. URL: https://studme.org/1114111726286/menedzhment/metody_forsayta
15. Исаченко С.Н. Баюкова С.Н. (2014) Форсайт: зарубежный и российский опыт. // Модели, системы, сети в экономики, техники, природы и обществе. №1(9). С. 30-34.
16. Цифровизация образования или как жить в век дистанционного обучения. // URL:<https://orenburg.synergyregions.ru/news/tsifrovizatsiya-obrazovaniya-ili-kak-zhit-v-vek-distantionnogo-obucheniya/>

¹ Исаченко С.Н. Баюкова С.Н. (2014) Форсайт: зарубежный и российский опыт. // Модели, системы, сети в экономики, техники, природы и обществе. №1(9). С. 30-34.